

# “YANGI ASR” - ILMIY-METODIK JURNALI

1 ЖИЛД, 1 СОН

“НОВЫЙ ВЕК” - НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТОМ 1, НОМЕР 1

“NEW CENTURY” - SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 1



# “YANGI ASR” – ILMİY-METODİK JURNALI

“НОВЫЙ ВЕК” – НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ | “NEW CENTURY” – SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

№1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2023-1>

## Bosh moharrir

**Zoxidov Qobiljon Toirjonovich**  
Yangi asr universiteti rektori,  
tarix fanlari nomzodi, Dotsent

\*

**Bosh muharrir o‘rinbosari**  
Mamatov Dilmurod Narmuratovich  
Pedagogika fanlari doktori,  
Dotsent

## Главный редактор

**Зоҳидов Кабилжон Тоиржонович,**  
Ректор Университета «Новый век»,  
кандидат исторических наук, доцент

\*

**Заместитель главного редактора**  
Маматов Дилмурод Нармуратович  
доктор педагогических наук,  
доцент

## Editor in chief

**Zohidov Kabiljon Toirjonovich,**  
Rector of New Century University,  
Candidate of History, Associate Professor

\*

**Deputy chief editor**  
Mamatov Dilmurod Narmuratovich  
Doctor of Pedagogical Sciences,  
Associate Professor

## ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ

### Mas‘ul kotib

**Yusupov Oybek Nematjonovich,**  
Dotsent (O‘zbekiston)

\*

**Muslimov Narzulla Alixanovich**  
Pedagogika fanlari doktori,  
Professor (O‘zbekiston)

\*

**Qo‘ysinov Odil Almurotovich**  
Pedagogika fanlari doktori,  
Professor (O‘zbekiston)

\*

**Shaxabitdinova Shoxida Xoshimovna**  
Filologiya fanlari doktori,  
Professor (O‘zbekiston)

\*

**Akromov Mirmuxsin Rustamovich**  
Psixologiya fanlari doktori  
(O‘zbekiston)

\*

**Rustamov Dilshod Abduvaxidovich**  
Filologiya fanlari doktori,  
Professor (O‘zbekiston)

\*

**Saliyeva Zuxra Taxirovna**  
Psixologiya fanlari doktori,  
Dotsent (O‘zbekiston)

\*

**To‘raqulov Olim Xolbutayevich**  
Pedagogika fanlari doktori,  
Professor (O‘zbekiston)

\*

**Konstantinos G. Karras**  
PhD., Professor (Gretsiya)

\*

**Park Sang Wu**  
PhD., Professor  
(Janubiy Koreya)

\*

**Yuldashodjayev Haydar  
Xashimxanovich**  
tarix fanlari nomzodi  
(O‘zbekiston)

\*

**Ishandjanov Baxtiyer Ilxamovich**  
tarix fanlari nomzodi  
(O‘zbekiston)

\*

**Bekchonova Shoira Bazarbayevna**  
PhD (O‘zbekiston)

## РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

**Ответственный секретарь**  
**Юсупов Ойбек Нематжонович,**  
доцент (Узбекистан)

\*

**Муслимов Нарзулла Алиханович**  
доктор педагогических наук, профессор  
(Узбекистан)

\*

**Куйсинов Одил Алмуротович**  
доктор педагогических наук,  
профессор (Узбекистан)

\*

**Шахабитдинова Шохида Хошимовна**  
доктор филологических наук,  
профессор (Узбекистан)

\*

**Акромов Мирмухсин Рустамович**  
доктор психологических наук  
(Узбекистан)

\*

**Рустамов Дилшод Абдувахидович**  
доктор филологических наук,  
профессор (Узбекистан)

\*

**Салиева Зухра Тахировна**  
доктор психологических наук,  
доцент (Узбекистан)

\*

**Туракулов Олим Холбутаевич**  
доктор педагогических наук,  
профессор (Узбекистан)

\*

**Константинос Г. Каррас**  
PhD., профессор  
(Греция)

\*

**Пак Сан У**  
PhD., профессор  
(Южная Корея)

\*

**Юлдашходжаев Хайдар  
Хашимханович**  
кандидат исторических наук  
(Узбекистан)

\*

**Ишанджанов Бахтиёр Ильхамович**  
кандидат исторических наук  
(Узбекистан)

\*

**Бекчонова Шайра Базарбаевна**  
PhD  
(Узбекистан)

## EDITORIAL BOARD

**Executive secretary**  
**Yusupov Oybek Nematjonovich,**  
Associate Professor (Uzbekistan)

\*

**Muslimov Narzulla Alikhanovich**  
Doctor of Pedagogical Sciences,  
Professor (Uzbekistan)

\*

**Kuysinov Odil Almurotovich**  
Doctor of Pedagogical Sciences,  
Professor (Uzbekistan)

\*

**Shakhabitdinova Shokhida Hoshimovna**  
Doctor of Philology Sciences,  
Professor (Uzbekistan)

\*

**Akromov Mirmuxsin Rustamovich**  
Doctor of Psychology  
(Uzbekistan)

\*

**Rustamov Dilshod Abduvakhidovich**  
Doctor of Philology Sciences,  
Professor (Uzbekistan)

\*

**Turakulov Olim Holbutayevich**  
Doctor of Pedagogical Sciences,  
Professor (Uzbekistan)

\*

**Konstantinos G. Karras**  
PhD, Professor (Greece)

\*

**Park Sang Woo**  
PhD, Professor  
South Korea

\*

**Yuldashkhodzhayev Khaydar  
Khashimkhanovich**  
PhD in history Sciences  
Uzbekistan

\*

**Ishandjanov Bakhtier Ilhamovich**  
PhD in history Sciences  
(Uzbekistan)

\*

**Bekchonova Shayra Bazarbaevna**  
PhD (Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

## FILOLOGIYA TADQIQOTLARI

<b>1. Nazarov Sardor Xasanovich</b> BADIY TARJIMANING LINGVISTIK MUAMMOLARI.....	4
<b>2. Латипов Окил Журакулович</b> КОНЦЕПТ «КОШКА» В АСПЕКТЕ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЙ ИНТЕРПЕТАЦИИ.....	10
<b>3. Шахобиддинова Шохида Ҳошимовна, Рустамов Дилшод Абдувоҳидович</b> СИНЕРГЕТИКА – ТИЛГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	18
<b>4. Юсупов Ойбек Нематжонович</b> ТАРЖИМА ИЛМИ.....	27

## PEDAGOGIKA TADQIQOTLARI

<b>5. Adamandia Z., Kulijanov U.</b> SUCCESS FACTORS OF A SUCCESSFUL DIGITAL STORYTELLING.....	36
<b>6. Bekchonova Shaira Bazarbayevna</b> KIBER TAHDIDLAR INDEKSI.....	44
<b>7. Govindh M.</b> MODERN EDUCATION: IMPORTANCE, CHARACTERISTICS, ADVANTAGES & EFFECTS.....	51
<b>8. Konstantinos G. Karras</b> SOFT SKILL DEVELOPMENT IN PRIMARY SCHOOL WITH A FOCUS ON NEW TECHNOLOGIES THROUGH CRITICAL PEDAGOGY.....	55
<b>9. Leonidas-Dimitrios Kotrogiannos</b> EDUCATION OF VULNERABLE GROUPS THE CASE OF GREECE.....	65
<b>10. M<sup>a</sup> Pilar M.C., Celia Navío</b> IDENTIFYING GOOD PRACTICES WHEN IMPLEMENTING STORYTELLING IN THE EFL CLASS.....	73
<b>11. Mamatov Dilmurad Narmuradovich</b> RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TA'LIMDA KORPORATIV HAMKORLIK ASOSLARI.....	79
<b>12. Қўйсинов Одил Алмуротович</b> ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ.....	85

## PSIXOLOGIYA TADQIQOTLARI

<b>13. Акрамов Мирмуҳсин Рустамович</b> АХЛОҚИЙ ОНГ ТАБИАТНИ ЭСТЕТИК ИДРОК ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛИ СИФАТИДА.....	89
--	----

## TARIX TADQIQOTLARI

<b>14. Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович</b> СИЙРА ВА ТАБАҚОТ ЖАНРИДАГИ АСАРЛАР АРАБ-МУСУЛМОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА.....	95
<b>15. Ишанджанов Бахтиёр Илохомович</b> МОВАРОУННАҲРДА СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.....	101
<b>16. Саттиев Музаффар Латифович</b> ТОИФ БИТИМИ - СИЁСИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ САРИ ҚАДАМ.....	106

# YANGI ASR

NOVYI VEK - NAUCHNO-METODICHESKIY ZHURNAL  
NEW CENTURY - SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL


# ILMIY-METODIK JURNALI

ISSN: 0000-0000

www.tadqiqot.uz

**Саттиев Музаффар Латифович**  
Тадқиқотчи, Янги аср университети

## ТОИФ БИТИМИ - СИЁСИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ САРИ ҚАДАМ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.8145902>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ливандаги асосий сиёсий ва диний кучлар ўртасида миллий келишув ва сулҳ тўғрисида Саудия Арабистонида имзоланган ва Ливан парламенти томонидан 1989 йил 5 ноябрда тасдиқланган пактга умумий шарҳ берилган.

**Таянч сўзлар:** Тоиф битими, миллий, дин, шартнома, Ливан, мамлакат.

**Саттиев Музаффар Латифович**

Научный сотрудник университета Янги аср

## ТАИФСКОЕ СОГЛАШЕНИЕ – ШАГ К ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

### АННОТАЦИЯ

В статье представлен обзор пакта о национальном примирении и мире между основными политическими и религиозными силами Ливана, подписанного в Саудовской Аравии и одобренного ливанским парламентом 5 ноября 1989 г.

**Ключевые слова:** Таифское соглашение, национальность, религия, договор, Ливан, страна.

**Sattiev Muzaffar Latifovich**

Researcher at the Yangi Asr University

## THE TAIF AGREEMENT IS A STEP TOWARDS POLITICAL TRANSFORMATION

### ABSTRACT

The article provides an overview of the national reconciliation and peace pact between the main political and religious forces of Lebanon, signed in Saudi Arabia and approved by the Lebanese Parliament on November 5, 1989.

**Key words:** Taif agreement, nationality, religion, agreement, Lebanon, country.

Бугунги кунга келиб, Тоиф битими имзоланганига қарийб чорак аср тўлди. Бу битим Ливан давлатчилигида улкан бурилиш ясаган сиёсий трансформациянинг бошланиши бўлди. Зеро ушбу битимга кўра президентнинг мутлақ ҳокимияти анчагина чекланди. Парламент томонидан қабул қилинадиган қарорлар кучга кириши учун президент тасдиғидан ўтиши керак бўлиб, бироқ президент уларга имзо чекишдан бош тортса, бу қарорлар иккинчи бор

кўриб чиқиш учун парламентга қайтариладиган бўлди. Агар улар депутатларнинг кўпчилиги (2/3 қисми) томонидан ўзгаришсиз қабул қилинса, имзолаш учун яна президентга тақдим этилади. Агар президент бу ҳужжатларни икки ҳафта давомида имзоламаса, улар расмий матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Шунингдек, парламент таркибидаги ўринлар тақсимооти ҳам қайта кўриб чиқилди. Хусусан, парламентда мусулмонлар ва насронийларнинг нисбатида тенг имкониятлар белгилаб қўйилди. Бу эса сиёсий ихтилофлар ва диний адоват билан боғлиқ вазиятнинг нисбатан юмшаши учун шароит яратиб берди. Албатта, бундай келишувга эришиш учун Ливан ўз тарихидаги энг оғир ва қонли фуқаролар уруши даврини (1975-1990 йй) бошидан кечиришига тўғри келди.

Ушбу тарихий ҳужжат 1989 йил 5 ноябрь куни Ливан парламентининг мажлисида тасдиқланди. Бу санани иккинчи Ливан давлати ташкил топган кун деб ҳисоблаш мумкин, чунки мазкур ҳужжатда Ливан конституциясига [1] жиддий ўзгаришлар киритилди. Тоиф резолюцияси Ливанда фаолият кўрсатаётган ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги асосий ихтилофларни бартараф қилишга уриниш бўлди. Бу ҳолатда адолатли қарор бўлди, чунки у тарафларнинг барчасига тенг имкониятлар берди [2].

Миллий сулҳ тўғрисидаги пакт Ливан учун сиёсий инқироздан қутулиш йўлида муҳим аҳамият касб этди. Бусиз иккинчи давлат ҳам муваффақиятсизликка учраб, таназзулга юз тутиши мумкин эди. Дарҳақиқат, иккинчи давлат тарқоқ диний жамоалардан иборат бўлиб, агар бу ҳолат вақтинчалик, ўтиш даври учун танланган шакл бўлган тақдирдагина маълум бир истиқболга эга бўлиши мумкин эди.

Шу ўринда Тоиф битими имзоланишигача бўлиб ўтган асосий қуроли тўқнашувларни қисқача келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1975 йилнинг баҳорида Ливанда фуқаролар уруши бошланиб, Ливан армиясининг фаолияти издан чиқди ва вазиятни назорат қила олмай қолди. 1976 йилнинг ёзида Араб давлатлари лигаси Ливанда тинчликни сақлаш учун араблараро кучлар ташкил қилишга қарор қилди. 1977 йилда араблараро тинчликпарвар аралашуви доирасида Сурия Ливанни босиб ола бошлади.

1978 йилнинг март ойида БМТ Ливанда тинчликни сақлаш бўйича халқаро кучлар (UNIFIL) ташкил қилишга қарор қилди. ЦАХАЛ (Исроил мудрофаа армияси) Ливан худудининг Литани дарёсигача бўлган қисмини босиб олди. БМТ хавфсизлик кенгаши Исроил қўшинларини Ливан худудидан олиб чиқиб кетишни талаб қилувчи 425-сонли резолюциясини қабул қилди [3]. 1982 йилнинг августида Исроил қўшинлари Байрут шаҳрини икки ой қамал қилгач, Фаластин озодлик партияси ҳамда Сурия қўшинлари Ливан пойтахтини ташлаб чиқиб кетди. Ғарбий Байрутга АҚШ, Италия ва Франция кўпмиллатли кучлари олиб кирилди. Фалангчилар раҳбари Башир Дмайель Ливан президенти этиб сайланди.

1982 йилнинг сентябрь ойида Башир Жмайель ўлдирилгач, Ливан президенти этиб унинг акаси Амин Жмайель сайланди. 1984 йилнинг декабрь ойида Исроил ҳукумати Ливандан қўшинларни босқичма-босқич олиб чиқиш ҳақида қарор қабул қилди.

1990 йилнинг кузида Ливанда фуқаролар уруши якунланди. "Ҳизбуллоҳ"дан бошқа барча Ливан милициялари оғир қуролиларини ҳукуматга топширди.

Кўриниб турибдики, Тоиф битимининг имзоланиши билан мамлакатдаги фуқаролар урушига расман барҳам берилан бўлишига қарамай, Ливандаги сиёсий инқироз ҳамон узил-кесил бартараф этилмади. Бунинг сабаби шуки, мамлакат сиёсий бошқаруви кўпмиллатли Ливан халқининг расмий эмас, ҳақиқий, чинакам миллий келишувига эриша олмади. Таъкидлаш мумкинки, конституцион ўзгаришларга асос бўлган Тоифда битими миллий келишув ва сулҳ борасида ўз олдига қўйилган мақсадларни рўёбга чиқара олмади. Аксинча, Тоиф пактида кўзда тутилган асосий конституцион ислохот ва тамойилларни амалга оширишда дуч келинган қийинчиликлар ливанликлар ўртасида янги конституцион тизим борасидаги ихтилофларнинг янада чуқурлашувига олиб келди. Масалан, Ливандаги сиёсий гуруҳлар ва барча диний жамоаларнинг катта қисми, жумладан, марончилар патриархияси ҳамда тарқатиб юборилган «Ливан кучлари» партияси пактнинг қабул қилинишини қўллаб-

кувватлаган бўлишига қарамай, сиёсий ва конституцион сиёсат устидаги баҳслар давом этаверди.

Бир неча гуруҳларга бўлинган кўпконфессияли Ливан аҳолиси Тоиф шартномаси қабул қилингандан кейин ҳам ўзининг тор конфессионал манфаатларини илгари суриб, сиёсий ва этноконфессионал ихтилофлардан чиқиб кета олмади:

1. Консерватив кайфиятдаги сиёсатчилар конституцион ислохотларга қарши эди, чунки уларнинг фикрича бу ислохотлар президентнинг ваколатлари сусайишига олиб келади, кучли, самарали ва динамик ижроия ҳокимиятини шакллантиришга халал беради, жамиятнинг демократик асосларига путур етказди.

2. Сиёсий ислохотларни ёқлаб чиққан иккинчи сиёсий гуруҳ эса аввал қабул қилинган ўзгаришларга қўшимча равишда айрим ўзгаришлар киритишни талаб қилар эди. Уларнинг фикрига кўра, ҳукумат ва парламент ўртасида ёки ижроия ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанат ўрнатилмай туриб, мамлакат президенти ҳамда бош вазирнинг ваколатлари тўлиқ белгилаб олинмаган, парламентга истеъфо бериш, Конституциянинг 58-моддасини ижро этиш, мамлакат президенти ва парламентини сайлаш муддатлари, импичмент ва бошқа шартлар ҳали аниқлаб олинмаган вазиятда сиёсий ва конституционал фаолиятнинг тўлақонли амалга оширилиши мумкин эмас.

3. Кўпчиликни ташкил этувчи учинчи тараф эса 1990 йилда бошланган конституцион ислохотларнинг якунланишини талаб қилди. Ушбу ҳаракат тарафдорлари марказлашган бошқарувдан воз кечиш тўғрисидаги қонундан тортиб динлараро сиёсий жамоалар бошқаруви тўғрисидаги қонуннинг (Ливан Конституциясининг 95-моддаси) бекор қилинишигача бўлган конституцион ислохотларнинг амалга оширилиши якунига етмазилмагунча уларга ҳеч қандай баҳо бериб бўлмайди, деб ҳисоблар эди. Уларнинг фикрича, ислохотлаштириш жараёни Ливандаги барча жамоалар вакиллари аъзо бўлиб кирадиган кенгаш ташкил қилиниши билан, сайловлар ва сиёсий партиялар тўғрисидаги янги қонуннинг қабул қилиниши билан якун топиши лозим бўлиб, бу келгусидаги барқарор сиёсий тараққиёт учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Диний эътиқодга асосланмаган сиёсий партияларнинг ташкил этилиши ислохотлар муваффақиятининг асосий шартларидан бири бўлади. Ҳукуматнинг бошқа тармоқлари томонидан содир этиладиган қонунбузарликларга қарши тура олувчи мустақил суд ҳокимиятининг барпо этилиши лозим бўлиб, у фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилишнинг реал кафолати бўлиб хизмат қилиши лозим.

Конституцион ўзгаришлар қабул қилинганидан бўён ўтган давр конституцион ислохотларни амалга оширишга умумий баҳо беришга ҳали имкон бермайди. Бироқ, нима бўлганда ҳам, бу баҳо салбий бўлиши мумкин эмас, чунки Ливан давлати дуч келган қийинчиликлар фуқаролар уруши ва динлараро сиёсий зиддиятлар ҳолатидан тинчлик ҳолатига қутилмаганда ўтилган вазият учун табиийдир. Бу ҳол партиялар, диний жамоалар ва етакчи сиёсат арбобларидан миллий манфаатлар миқёсида, давлат, Ватан ва фуқаролар манфаати йўлида прогрессив ва дадил қарорлар қабул қилишни тақозо этади. Бу эса метиндек ирода, келажакка ишонч ва фидойиликни талаб қилади.

Ҳокимиятнинг самарали ташкил қилиниши давлатнинг барпо этилиши ва нормал фаолият кўрсатишининг асосий шартидир. Айтиб ўтиш лозимки, баъзи ислохотчилар ва зиёлилар мамлакатда сўнгги йиллар давомида бўлиб ўтган воқеалар учун шу даврда ҳукумат тепасида бўлган сиёсий раҳбарлар масъулдир, чунки улар демократик ислохотларни амалга ошириш учун Тоиф шартномаси берган имкониятлардан фойдалана олмадилар, деб ҳисоблайдилар.

Марказий Европа мамлакатларида конституцион ислохотлар ўтказиш тажрибасининг тасдиқлашича, зиёлилар айниқса прогрессив кайфиятдаги аҳоли ва жамоат ташкилотларининг босими остида келгусидаги ислохотлар учун асос солувчи омил бўла олади. Улар муайян диний жамоага мансублик Ватан фуқароси бўлишдан муҳимроқ бўлган кишилар ўртасида сиёсий онгни тарқатишда янада самарали ва динамик восита бўлиши лозим.

Ливандаги конституцион тажриба (айниқса мамлакат президенти генерал Эмиль Лахуднинг биринчи муддати даврида) ҳамда ҳуқуқий давлатни тиклаш ва ҳукумат



институтларининг нормал фаолият кўрсатишига эришишга қаратилган беҳуда уринишларнинг кўрсатишича, агар ушбу ислохотлар зиёлилар ва машҳур сиёсатчиларни йўқотишга қаратилган бўлса, гарчи «сиёсий синфни янгилаш» шиори остида ўтаётган бўлса ҳам, кўпконфессияли ва кўпмиллатли давлатда туб сиёсий ислохотларни амалга оширишнинг имкони бўлмаслиги мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, 2000 йилнинг ёзида бўлиб ўтган парламент сайловлари кутилган натижаларга олиб келмади. Баъзилар ушбу сайловда муҳолифатнинг ғалаба қозонганлигини ҳукмрон синфни бартараф қилиш ёки сиёсий майдондан четлатишга уриниш деб ҳам баҳоладилар.

Мамлакат президенти генерал Эмиль Лахуд президентлик муддатининг узайтирилишига кўпчилик депутатларнинг барча конституцион тамойилларга, хусусан, мамлакат Конституциясининг 49-бандига зид равишда мажбурий розилиги билан эришилди ва бу БМТ Хавфсизлик кенгашининг №1559-рақамли резолюцияси қабул қилинишига олиб келди [4].

БМТ Хавфсизлик кенгашининг №1559-рақамли резолюцияси Конституцияни ҳурмат қилишга ва барча Сурия қўшинларининг Ливандан олиб чиқиб кетилишига чақирар эди. Ушбу резолюция барча Ливан ва Фаластин гуруҳлари қуролсизланиши тақозо этар эди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Сурия ҳам, генерал Лахуд ҳам №1559 резолюциясининг салбий таъсирини бироз юмшатишлари мумкин эди, бунинг учун бош вазир Рафиқ ал-Ҳаририйга барқаро ҳукуматни шакллантиришга имкон бериш кифоя эди.

2005 йилнинг 14 феврилида бош вазир ал-Ҳаририйга суиқасд қилиниши жаҳон ҳамжамиятининг босимига ҳамда Суриянинг халқаро ҳамжамият ва араб давлатлари томонидан деярли батамом яқкалаб қўйилишига олиб келди. Бироқ, Сурия қўшинлари барибир Ливандан чиқиб кетди.

Сўнгги пайтларда Ливанда бир қатор драматик воқеалар юз берди: президентлик муддати узайтирилди, №1559-резолюция қабул қилинди, ал-Ҳаририй ўлдирилди, ўттиз йилдан буён мамлакатни босиб олган Сурия қўшинларининг тўлиқ чиқариб юборилиши учун ташкил қилинган «14 март» ҳаракати жиддий натижаларга эришди. Ушбу ҳаракатнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ташқи кучлар аралашмаган илк парламент сайловлари ўтказилди, ал-Ҳаририйнинг ўлдирилишини тергов қилиш учун БМТ ХКнинг №1595-резолюциясига кўра халқаро тергов комиссияси бошлиғининг таклифига кўра мамлакат прокурори ва олий ҳарбий раҳбарлардан бир нечаси ҳибсга олинди, халқаро махсус суд трибунали ташкил қилинди.

Айтиш мумкинки, Тоиф битими туфайли бошланган ислохотларни амалга оширишда дуч келинган барча қийинчиликларга қарамай, Ливандаги вазиятни бирмунча ижобий баҳолашга етарли асослар бор. Прогрессив кучлар ёрдамида барпо этилган парламент бошқарувини мустаҳкамлаш, ислохотларни сиёсий мураса йўли билан, музокаралар тарзида давом эттириш учун зиёлиларнинг ролини кучайтириш ўз самарасини бериши шак-шубҳасиздир.

Ливан ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги сиёсий трансформациянинг муҳим омили бўлган Тоиф битимининг мамлакат тарихидаги аҳамияти ва тутган ўрнига қуйидагиларни айтиб ўтиш жоиз:

- Ливан халқи мураккаб ва кескин сиёсий вазиятдан чиқишга имкон берувчи йўлни ахтарар экан, бу нуқтаи назардан энг мақбул йўл Тоиф битимида белгиланганидек, Ливан конституциясининг олий давлат ҳукумат органларини ташкил этиш ваколатлари ва тартибларига оид қисмига керакли ўзгаришлар киритилишидир. Мазкур ўзгаришлар сиёсий конфессионализмга барҳам бериб, сайловчиларга демократик қонун томонидан белгилаб бериладиган эркин овоз бериш йўли билан сайланиш ҳуқуқини беради.

- 1950-1975 йилларда Ливан миллий даромади барқарор ўсиб борди. 1975 йилдан кейин эса бу кўрсаткич кескин камайди. 1993 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 7,6 млрд. АҚШ долларини, 1995 йилда эса 11,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши 1986-1995 йилларда 8,4%ни ташкил қилди. 1998 йилда мамлакат ЯИМ 17,2 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди, ЯИМнинг реал ўсиши 1990–

1998 йилларда 7,7%га тенг бўлди. 1975-90 йиллардаги фуқаролар уруши мамлакат иқтисодий инфратузилмасига жиддий талафот етказиб, миллий ишлаб чиқаришнинг икки баравар камайишига олиб келди. Бу эса Ливаннинг Яқин Шарқ минтақасидаги мавқеига оғир зарба бўлди. Урушдан сўнг марказий ҳукумат мамлакатдаги асосий корхона ва ишлаб чиқариш соҳаларини устидан қайта назорат ўрнатди, натижада бугунги кунга келиб 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг уч ярим баравар ортишига эришди[5].

- Конфессионал зиддиятлар туфайли юз берган миграцион жараёнларнинг демографик таҳлиliga кўра, фуқаролар уруши даврида Бекаа водийсидан кетишга мажбур бўлган насроний аҳолиси дастлаб 50 минг кишини, кейин эса 100 минг кишини ташкил этган бўлиб, улардан 80 минг киши ортга қайтмади. Умуман, фуқаролар уруши даврида миграция жараёни мамлакат аҳолисининг учдан икки қисмини қамраб олди. Фуқаролар уруши йилларида мамлакат ичкарасида миграция қилган аҳоли умумий сони 1400 минг кишидан ортиқни ташкил этди. Шундан янги ҳудудларга бутунлай кўчиб кетган мигрантлар сони тахминан 800 мингга яқин кишини ташкил қилиб, бунинг 80%и насронийлар, 20%и мусулмонлар эди. Фуқаролар урушининг яқунланиши, мамлакат иқтисодиётининг аста-секин тикланиши Тоиф битимининг бу борада ҳам ижобий натижаларга олиб келганини кўрсатади.

### Адабиётлар:

1. Ливан Республикасининг Конституцияси (1926 йил 23 майда қабул қилинган ва 17.10.1927, 08.05.1929, 09.11.1943, 07.12.1943, 21.01.1947, 22.05.1948, 24.04.1976, 21.09.1990 й. тузатишлар киритилган)
2. Зуркта Умайя Наваф. Второе ливанское государство и пакт о национальном согласии и примирении. Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2008, № 2
3. Security Council of United Nations. Resolution 425 (1978) 19.03.1978.
4. Security Council of United Nations. Resolution 1559 (2004) 0449892. 2 September 2004.
5. [http://ru.wikipedia.org/wiki/economics\\_of\\_lebanon.htm](http://ru.wikipedia.org/wiki/economics_of_lebanon.htm)



# “YANGI ASR” - ILMIY-METODIK JURNALI

1 ЖИЛД, 1 СОН

“НОВЫЙ ВЕК” - НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТОМ 1, НОМЕР 1

“NEW CENTURY” - SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000